

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА IJTIMOIIY-IQTISODIY GAZETA

№54 (199) 2018 йил 10 июль, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида маҳалла институтининг аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларни қомил инсон этиб тарбиялаш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш борасидаги роли тобора ортиб бормоқда.

Ўзгаришлар бўсағасида ёхуд «Обод маҳалла» дастури Олмазор туманини тубдан янгиламоқда

«Обод маҳалла» дастури ижроси доирасида пойтахтимиз маҳаллалари ободонлаштирилмоқда.

Жорий йил 29 июнь куни Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги бир қатор ижтимоий объектлар, аҳоли турар жойларига ташриф буюриб, у ердаги ҳолат билан яқиндан танишган эди.

Президентимиз уйма-уй юриб, ҳар бир оиланинг талаб-истакларини ўрганиш, муаммоси бўлса, ёрдам бериш, тадбиркорларни жалб этиб, ишчи жойлари яратиш борасида зарур топшириқлар берди.

Маҳаллалар қиёфасини янгилаш мақсадида қабул қилинган «Обод маҳалла» дастури доирасида Иброҳим ота маҳалласидаги кўп қаватли уйлар, кўча ва йўллар таъмирланиб, ҳудуд ободонлаштирилмоқда.

Бу каби саъй-ҳаракатларни барча маҳаллаларда ҳам кенг қўламли ташкил қилиш, туманинг янги маркази – «Olmazor city»ни барпо этишда давлат ва жамоат ташкилотларининг фаоллигини ошириш мақсадида Олмазор тумани ҳокимиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва депутатлар томонидан йиғилиш ўтказилди.

Унда иштирок этган маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш юзасидан топшириқлар берилиб, ҳудудни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, бунда туман ташкилотлари вакиллари тақлифларини ўрганиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Асосий мақсад – дастурлар ижросини таъминлаш

Кеча Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг навбатдаги кенгайтирилган Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.


Вазирлик марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар раҳбарлари, туман архитекторлари, бош лойиҳа ташкилотлари раҳбарлари, «Ушшаҳар қурилиш инвест» МЧЖ ИК, «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ вакиллари иштирок этган мазкур тадбирнинг кун тартибидagi асосий масалаларни сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ҳу-

дудларга амалга оширган ташрифларида белгилаб берилган топшириқлар ижроси, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла», шаҳарларда арзон хонадонли уйлари, шунингдек, қишлоқ ҳудудларида янгиланган намунавий турар жойларни қуриш дастурлари ижросини таъминлаш кабилар ўрин олди.

(Давоми 2-бетда)

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Қурилиш материаллари — хорижга



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти раисининг табиий ва суюлтирилган газдан оқилона ва самарали фойдаланишнинг ҳолати ва истиқболлари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш назоратда

Таъкидланганидек, бугунги кунда аҳолига газ етказиб беришда замонавий технологиялардан фойдаланиш борасида илғор хорижий тажриба ўрганилмоқда. Бу жараёнда Беларусь, Жанубий Корея, Туркия тажрибаси кўл келмоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида табиий ресурслардан халқимиз манфаати йўлида оқилона ва самарали фойдаланиш ўта муҳимлиги алоҳида таъкидланган эди, – деди Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Аҳаджон Аҳмедов. – Депутатлар аҳоли билан учрашувларда бу борада қатор камчиликлар борлигини аниқлади. Жумладан, газ қурувларининг муддати ўтиб, эскиргани, хонадонларда яроқсиз, ностандарт, қўлбола газ жиҳозлари борлиги, замонавий газ ҳисоблагичлар ўрнатилмагани каби муаммолар мавжуд. Бугунги йиғилишда мазкур муаммолар ечим юзасидан тақлифларимизни билдирдик.

Солиқ сиёсати

у барқарор тараққиётга хизмат қилади

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида Президентимизнинг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги фармони мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда депутатлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, олимлар, экспертлар ва мутахассислар иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида олиб борилаётган таъминотлар, амалга оширилаётган ўзгаришлар ва янгилашлар натижасида қисқа давр мобайнида соҳада мавжуд камчиликлар ва иш услублари танқидий қайта кўриб чиқилиб, янгилангани, бу йўналишда асосий эътибор амалий самарадорлик ва натижадорликка эришиш ҳамда инсон манфаатларини таъминлашга қаратилгани таъкидланди.

Депутатлар солиқ юкни камайитириш, солиқ маъмуриятчилигини яхшилаш ва солиқ солиш тизимини соддалаштириш ҳамда

уларнинг йиғилувчанлигини ошириш борасида жиддий ўзгариш ва янгилашлар амалга оширилаётганини қайд этган ҳолда, жойлардаги ҳақиқий ҳолатни ўрганиш жараёнида солиқ тизимида тадбиркорлик субъектлари ва аҳолини қийнаётган муаммолар ҳамда ечимини кутаётган қатор масалалар мавжудлигига ҳам эътибор қаратилди.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг фармони айнан шу масалалар ечимига, хусусан, мавжуд тизимли муаммоларни бартараф этишга, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни, яъни солиқ юкни изчиллик билан камайитириш орқали миллий иқтисодийни жадал ривожлантиришга, бизнес юритиш муҳитини ва мам-

Қашқадарё вилояти Китоб туманида саноатнинг қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғи анча ривожланган. Чунки ҳудудда ушбу турдаги маҳсулотларни тайёрлаш учун катта миқдордаги табиий захира мавжуд. Оҳақтош, мрамар қонлари шулар сирасига киради. Улардан ички бозорда талаб юқори бўлган цемент, плитка, мрамар қуқуни, лок-бўёқ, сувоқ хомашёси сингари пардоз ашёлари олинади.

«Ҳисор мрамар» масъулияти чекланган жамияти бугунги кунда қурилиш материали – плитка ишлаб чиқаришда салмоқли натижаларга эришмоқда. Ўтган йили корхона хариддорларга қиймати 700 миллион сўмга тенг маҳсулот етказиб берди.

2013 йилда фаолият бошлаган корхонамизда айни пайтда 24 киши меҳнат қилмоқда, – дейди корхона раҳбари Муродилла Жўраев. – Ишлаб чиқариш цехи Италиядан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган. Асосан икки турдаги – доломит ва мрамар плитка тайёрлаймиз. Корхона йиллик қуввати 60 минг метр квадрат плитка тайёрлашга етади.

Яқинда корхона қиймати 13,5 минг долларлик қурилиш материалларини хорижга экспорт қилди. Қозғистонлик ишбилармонлар билан ўзаро ҳамкорлик режасига кўра, йил охирига қадар маҳсулот етказиб бериш қўламини 100 минг долларга етказиш режалаштирилган.

Суратларда: «Ҳисор мрамар» масъулияти чекланган жамиятида. Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

лакатнинг инвестициявий жозибадорлигини яхшилаш ҳамда соғлом рақобат муҳитини таъминлашга хизмат қилишини айтиб ўтдилар.

Этироф этилганидек, фармонда кичик ва йирик бизнес ўртасидаги солиқлар фарқини бартараф этиш, юридик шахсларнинг фойдасидан солиқ тўлаш принципларини жиддий ўзгариштириш, дивидендлар ва фонизлар кўринишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаидан ушлаб қолинган фойда солиғи ставкасини пасайтириш ҳамда меҳнатга солиқ юкни кескин қисқартириш каби аҳоли даромадларини ошириш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирлар кўзда тутилган. Бу эса халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишга ва барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлашга хизмат қилади.

Депутатлар кун тартибидagi масала юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг тавсиясини қабул қилдилар.

И. АҲАТОВА,
ЎЗА мухбири.

DORSA®

KOTTEJ UCHUN PO'LAT ESHIKLAR

● Ishonchli tuzilish
● Showqin va issiqlik izolatsiyasi
● Zamonaviy dizayn

МЕТАЛЛИЧЕСКИЕ КОТТЕДЖНЫЕ ДВЕРИ

● Надежная конструкция
● Шумо и теплоизоляция
● Современный дизайн

Tel: (+998 99) 595 55 55 www.dorsa.uz info@dorsa.uz

ПРОИЗВОДСТВО ДЛЯ СИСТЕМ ВЕНТИЛЯЦИЙ И КОНДИЦИОНИРОВАНИЯ ВОЗДУХА ISO 9001:2015

ПКП ООО «JIHOZ – BENTILYATSIYA»

e-mail: jihaz-vent@mail.ru сайт: www.jihaz-vent.uz
тел: +998 (71) 273-06-77 факс: +998 (71) 273-92-68
Товары сертифицированы

МИНСКИЙ АВТОМОБИЛЬНЫЙ ЗАВОД

БЕЛОРУССКИЙ ПРОИЗВОДИТЕЛЬ ПРЕДЛАГАЕТ СВОЮ ПРОДУКЦИЮ СО СКЛАДА В г. ТАШКЕНТЕ

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР МИНСКОГО АВТОМОБИЛЬНОГО ЗАВОДА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ИНОСТРАННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ ООО «MAZ-TASHKENT» 100005 г. Ташкент, Мирабодский р-н, ул. 8 марта, 57. Тел.: (+998 93) 855-00-95, (+998 93) 555-12-88. Факс: (+998 71) 291-88-84. E-mail: maztashkent@mail.ru Услуго лицензированы.

РЕКЛАМА

МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ КАФОЛАТИ!

UZBUNYODKORI

99871 244-21-71 99871 244-21-71
uzbunyodkori@mail.ru

2 ДАВР

Мирзаобод туманидаги «Богистон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда янгиланган лойиҳа асосида қурилган 10 та замонавий уй «Жавоҳир Фарҳод ҳамкор сервис» хусусий корхонаси қурувчилари томонидан бунёд этилди.



Эҳтиёжманд оилаларга янги уйлар калити топширилди

Сирдарё вилояти Мирзаобод туманида кам таъминланган, уй-жойга муҳтож 10 оилага янги уйларнинг калити тантанали равишда топширилди.



Шу муносабат билан ўтказилган кам таъминланган оилалар ҳамisha тадбирда эҳтиёжманд фуқаролар ва давлатимиз эътиборида экани, улар-

нинг ҳар бири жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида етарли шароитга эга бўлишига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Мирзаобод туманидаги «Богистон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда янгиланган лойиҳа асосида қурилган 10 та замонавий уй «Жавоҳир Фарҳод ҳамкор сервис» хусусий корхонаси қурувчилари томонидан бунёд этилди. Уйларда индивидуал иситиш тизими, иссиқ ва совуқ сув, табиий газ ва электр таъминоти барча техник талабларга кўра жиҳозланган.

Янгиланган лойиҳалар асосида барпо этилган ушбу уй-жойнинг умумий лойиҳа қиймати 1 миллиард 130 миллион сўмдан иборат, – дейди «Жавоҳир Фарҳод ҳамкор сервис» хусусий корхонаси раҳбари Азим Исмоилов. – Хонадонларда барча қулайликлар яратилди. 2 сотих ер майдони, 2 яшаш хонаси, ювниш хонаси, ички ва ташқи охилона замон талабларига тўла жавоб беради. Айниқса, тандир-ўчоқ ҳам борлиги уй бекаларини гоё хурсанд қилди.

Ў гуруҳ ногирони Муҳайё Ҳусанова янги уй соҳибаларидан биридир. – Биз эру хотин 4 фарзандимиз



билан ижарада яшар эдик, – дейди Муҳайё Ҳусанова. – Бугун ҳаётимдаги энг қувончли кунлардан бири. Боиси, ҳам уйли, ҳам ишли бўлдим. Ишли бўлдим дейшимнинг сабаби тикув машинаси ҳам беришди-да.

Сирдарё вилоятида жорий йилда 112 та, 2019 йилда эса 200 та эҳтиёжманд оилага уй берилиши режалаштирилган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т. Норбоева, Сирдарё вилояти ҳокими Ф. Мирзаев сўзга чиқди.

А. ҚАЮМОВ, ЎЗА мухбири.

Президент ташрифидан сўнг...

Мўйноқда янги корхона ишга тушди

Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидаги кичик sanoat зонаси ҳудудда полипропилен қоплар ишлаб чиқариш цехи иш бошлади. «Қара ой Мойнақ Бабур» масъулияти чекланган жамияти қошида ташкил этилган корхонада 25 та янги иш ўрни яратилди.

– Умумий қиймати 3 миллиард 200 миллион сўм бўлган ушбу лойиҳа йилига 6 миллион донга қилишда тадбиркорнинг ўз маблағига қўшимча банкнинг имтиёзли кредити ҳам қўл келди.

– Кўпдан буён иссиқликдан қийналиб келаётган эдим, – дейди корхона ишчиси Омонгул Жумамуродова ЎЗА мухбири Е. Қаноатовга. – Мана, туманимизда янги корхона очилгани биз каби ишсиз фуқаролар учун айни мудоао бўлди.

Президентимизнинг 2017 йил 28 февралдаги 2017-2018 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори асосида туманда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур ҳужжатга асосан туманда тўқимачилик, тайёр трикотаж маҳсулотлари, томчилаб сўғориш ускуналари, сув насослари, пластмасса қувурлар, электротехника ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, балиқчиликни ривожлантириш ва балиқ маҳсулотлари тайёрлаш, фармацевтика учун ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хомашё базасини мустаҳкамлаш, сайёҳлик хизмати тараққий эттиришга оид 72 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Ушбу лойиҳа ҳам юқоридagi қарор ижроси доирасида амалга оширилди. Яқин кунларда ҳудудда сочiq ишлаб чиқариш корхонаси ҳам иш бошлайди.

Термиз шаҳридаги Жайхун маҳалласида «Bio Техно Есо» масъулияти чекланган жамияти томонидан дастлабки чиқинди йиғиш маркази – «Биошоҳобча» фойдаланишга топширилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 19-20 январь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида «Bio Техно Есо» МЧЖга қарашли Ангор туманидаги маиший чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш заводи қурилиши билан танишиб, атроф-муҳит тозаланиши таъминлаш, маиший чиқиндиларни саралаш, қайта ишлаш ва ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Ушбу топшириқлар асосида қисқа вақтда бу ерда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айни пайтда корхонада Термиз шаҳри, Термиз ва Ангор туманларидаги маиший чиқиндиларни тўпланиб, сараланмоқда. Бунинг учун чиқинди ташийдиган 90 дан ортиқ автотранспорт воситаси жалб этилган. Келгусида қайта ишланган шisha чиқиндисидан мозаика ва плиткалар, фойдаланилган пластмассадан полиэтилен қувурлар, ёғоч чикиндисидан брикет, қоғоз чикиндисидан картон ва қайта ишланган қоғоз, озиқ-овқат чикиндисидан биогаз ва биогумис ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 21 апрелдаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ҳамда «2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида амалга оширилаётган мазкур лойиҳа атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, турли юқумли касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Термиз шаҳрида «Тоза шаҳар»

Термизда замонавий «Биошоҳобча» иш бошлади

шиори остида бунёд этилган «Биошоҳобча»да чиқиндиларни сараланган ҳолда қабул қилиш учун барча шaroит яратилган. Шиша, қоғоз, пластик, озиқ-овқат, резина ва текстиль буюмлар чиқиндиларини қабул қиладиган алоҳида хоналар ташкил этилган. Сараланмаган чиқиндилар учун махсус хона, ихчам ювниш хонаси ва бошқа қўшимча хоналар қурилган. Миждозлар шу ернинг ўзида қўрсатилган хизмат тўловларини ҳам амалга ошириши мумкин.

– Дунёнинг кўпалаб давлатларида чиқиндилар нотўғри ташланган ёки теварак-атроф маиший чиқиндилар билан ифзолантирилганда жарима жазоси қўлланилади, – дейди корхона раҳбари И. Боқижонов. – Биз эса, аҳолининг экологик маданиятини оширишда уларни рағбатлантириш усулини қўлламоқчимиз. Масалан, янги барпо этилган чиқинди йиғиш марказига маиший чиқиндиларини саралаб олиб келган миждозлар учун акция ташкил этиб, совға беришни, бир ойлик ёки ундан ҳам кўпроқ мудат тўловлардан озод қилишни йўлга қўймоқчимиз. Бу аҳолида чиқиндиларни сараланган ҳолда махсус жойга топшириш кўникмасини мустаҳкамлаб, ишимиз самардорлигини оширади. «Ишонч соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ҳамда «2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида амалга оширилаётган мазкур лойиҳа атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, турли юқумли касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

«Биошоҳобча» бир кеча-кундузда 6 минг 500 тонна маиший чиқиндини қабул қилиш қувватига эга. У маҳалладаги 970 хонадон, 12 умумий овқатланиш ва 21 маи-

ший хизмат кўрсатиш нуқтасидаги чиқиндиларни тўплашга мўлжалланган. Тўрт киши меҳнат қиладиган янги иншоотга видеокузатув мосламалари ўрнатилган.

– Бу ерга кум, тупроқ, бетон, тош каби қурилиш чиқиндиларини ташлаш мумкин эмас, – дейди ички назорат бўлими ходими Ж. Ёрматов. – Видеокузатув мосламаси ёрдамида шундай жараёнларни кузатиб тура-миз. Мутасаддиларнинг таъкидлашича, Термиз шаҳрида яна 20 га ана шундай чиқинди йиғиш маркази барпо этилади. Термиз ва Ангор туманларида ҳам замонавий «Биошоҳобча»лар қад ростлайди. Қурилиш чиқиндисини объектнинг ўзидан олиб кетиш учун махсус қоплар тарқатиш жорий этилади.

– Тозалик, озодалик бор жойда кут-барака бўлади, фарзандлар соғлом камолга етади, – дейди Жайхун маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси У. Назарова ЎЗА мухбири Х. Маматрайимовга. – Қўп қаватли уйда яшаймиз. Илгари бу ерда чиқиндилар бир неча кун тўпланиб қолар, бу кўпчиликнинг эътирозига сабаб бўлар эди. Бунинг устига чиқинди хона шундоқ мактабгача таълим муассасасининг рўпарасида жойлашган. Эндиликда тўплаган чиқиндилар кунлик ташиб кетилгандан барча мамун. Албатта, катта маблағ эвазига амалга оширилаётган бу ишлар шахримиз ободлиги, ҳудуд озодаллиги ва ёш авлод саломатлиги учун қилинмоқда.

Тадбир якунида ҳудудларда «Тоза шаҳар» шiori остида тарғибот ишлари олиб бораётган ва экологик озодаликни назорат қиладиган бир гуруҳ ходимларга «Дамас» русумли янги хизмат автомашиналари топширилди.

Навоий вилояти Қизилтепа тумани Тошрабат кўрғони ҳудудидagi қишлоқларда «Обод қишлоқ» дастури асосида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Маликобод намунали ҳудудга айланмоқда, аҳолиси эса тадбиркорга

Дастур ижроси доирасида нафақат бунёдкорлик ва қурилиш-ободонлаштириш ишлари, балки бу эзгу ишнинг мақсади ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш бўйича ҳам тарғибот тадбирлари олиб борилаётир.

Маликобод қишлоғида вилоят ички ишлар бошқармаси, хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши масъуллари иштирокида ўтказилган тадбирда ҳам «Обод қишлоқ» дастури ижроси доирасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз борди.

– Маҳаллаимиз ҳудудидagi 31-умумтаълим мактаби 300 ўринга мўлжалланган ва дарслар 2 навбатда ўтказилар эди, – дейди «Маликобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси З. Азизов. – «Обод қишлоқ» дастури асосида таълим муассасаси учун қўшимча яна 220 ўринли замонавий ўқув биноси қуриб битказилди. Ҳозир бу ерда сўнгги пардозлаш ишлари олиб бориламоқда. Бино фойдаланишга топширилгач, ўқувчилар бир навбатда таҳсил олади. Бундан ташқари, ҳудудда янги мактабгача таълим муассасаси, маҳалла биноси қурилади, қишлоқ врачлик пункти тўлиқ таъмирланди.

Дарҳақиқат, бугун Маликободда 50 га яқин бино янгидан қурилмоқда. Ушбу бунёдкорлик ишларига нафақат бюджет маблағлари, балки тадбиркорларнинг ўз лойиҳалари асосида тегишли маблағлар ҳам жалб этилмоқда. Болажонлар учун барпо этилган маскан ва аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ҳозирланган сунъий қопламали спорт майдончаси шулар жумласидандир.

Қишлоқдаги ички йўллар ҳолати яхшиланди. Аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди. Ҳудудда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида мавжуд зовурлар тозаланди. Электр



энергияси тизими буткул янгиланди. 2 янги трансформатор ўрнатилиб, ёғоч устунар бетонлисига алмаштирилди. Эскирган электр тармоқлари ўрнига замонавий кабеллар тортилди.

«Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида 50 хонадоннинг ҳар бирига 50 бошдан парранда тарқатилди. Фуқароларга иссиқхона ташкил этиш, чорвачилик, паррандачилик ва асаларичилик билан шуғулланиши учун банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратилди. Бунинг самарасида қўшимча ишчи ўринлари яратилаётир. Маҳалла ҳудудига 4 гектар майдонда иссиқхона ташкил этилди.

– Бир неча йилдан буён паррандачилик билан шуғулланиб келаман, – дейди ёш тадбиркор О. Қаҳҳоров ЎЗА мухбири Н. Раҳимов билан суҳбатда. – Айни пайтда ҳўжалигимизда 6 минг бош товуқ парваришланмоқда. Ушбу тармоқни ривожлантиришга аҳд қилганлар сони кўпайиб бормоқда. Жумладан, маҳаллаимизда 120 минг бош парранда парваришланадиган фабрика қурилаётгани фикримиз тасдиғидир. Тадбирда «Обод қишлоқ» дастури доирасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари одамларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаб, уларни янада фидокорона меҳнат қилишга ундаётгани таъкидланди.

Бандлик дастури – амалда

83 нафар иштирокчи ишли бўлди

Тошкент вилояти Пискент туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда 49 корхона ва ташкилот қарийб 500 бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Туман ҳокимлиги, прокуратураси, бандликка қўмаклашиш маркази ва Ёшлар иттифоқи туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, бу борада уларга қўшимча имтиёзлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани уларнинг бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

– Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида 988 фуқаро ташкилотимизга иш сўраб мурожаат қилди, – дейди туман бандликка қўмаклашиш маркази раҳбари М. Мирсоатовга ЎЗА мухбири А. Худойкуловга. – Уларнинг 361 нафарига маслаҳат берилган бўлса, 627 нафари доимий иш билан таъминланди.

Меҳнат ярмаркаси доирасида туманнинг илғор тадбиркорлари фаолияти тақдими ташкил этилиб, уларнинг тажрибасини оммалаштириш юзасидан фикр алмашилди. Ёшларга ўрнатилган бўлиб келаётган бир гуруҳ фаол ёш тадбиркорларга фахрий ёрлик ва сардалик совғалари топширилди.

Ярмаркада 83 фуқарога ишлаш учун йўланма берилди.

Асосий мақсад – дастурлар ижросини таъминлаш



(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, йиғилишда Юртбошимизнинг 2018 йил 3 февралдаги ПК-3507 сонли «2018 йилга мўлжалланган инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини

таъкидлаш тўғрисида»ги қарори ижроси, республика ҳудудидagi қурилиш материаллари бўлган талаб-эҳтиёжини тўлиқ қондириш, мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган қурилиш материаллари нархларини арзонлаштириш, ижро ин-

тизомини мустаҳкамлаш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш механизминини янада яхшилаш масалалари кўриб чиқилди.

Кун тартибига қўйилган масалалар бўйича сўз юритилиб, мавжуд камчиликлар жиддий танқид қилинди. Жумладан, Президентимиз томонидан аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, мисол учун, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, аҳолини уй-жойлар билан таъминлаш бўйича қабул қилинган фармон ва қарорларда белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажара олмаётган ҳудудий бошқармалар раҳбарларига бу ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, муаммоларни зудлик билан ҳал этиш топшириқлари берилди.

– Ижро интизоми энг устувор вазифамизга айланмоғи, ҳар бир ходим масъулият, тартиб ва талабга қатъий риоя этиши зарур, – деди Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Абдуқаҳҳор Тўхтаев ўз чиқишида. – Тизимдаги айрим ташкилотлар раҳбарлари ҳанузгача боқимандалик, бепарволик иллатларидан халос бўлолмапти, масъулиятни тўла ҳис этмайпти, аниқ иш режалар ишлаб чиқишмаган. Натижада кўпалаб топшириқлар ижроси ўз вақтида амалга оширилмапти.

Бундан ташқари, инвестиция дастурига киритилган ижтимоий соҳа объект-

лари, хусусан, мактабгача таълим муассасалари бинолари учун ер ажратиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишлари ўз вақтида амалга оширилмаётгани айтиб ўтилди. Бажарилган лойиҳа-қидирув ишлари учун юзага келган қарздорликни ҳал этиш масаласи ҳам ҳамон ўз ечимини топмаётгани оқибатида лойиҳалаштириш институтларининг молиявий аҳоли ёмонлашиб бораётгани таъкидланди.

Йиғилишда, шунингдек, «Қишлоқ қурилиш инвест», «Ўзшаҳар қурилиш инвест» инжиниринг компаниялари ҳамда «Ўзқурилишматериаллари» АЖ вакилларининг ҳисоботлари тингланди.

– «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари ижросини таъминлаш доирасида тегишли ташкилотлар ва аҳолининг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида туман марказларида қурилиш маҳсулотларини реализация қиладиган шохобчалар, аниқроғи, фирма дўконларини ташкил этиш режалаштирилмоқда, – деди «Ўзқурилишматериаллари» АЖ бошқаруви раисининг ўринбосари Тимур Муҳамеджанов. – Ушбу дўконларда, мисол учун, арзон нархдаги цемент, ойна ва бошқа қурилиш материаллари сотилади.

Тадбир давомида вазирлик тизимидаги олий ўқув юртларида 2018-2019



ўқув йили учун қабул ишларини уюш-қоқлик билан ўтказиш, касб-хўнар коллежларида қисқа муддатли малака ошириш курсларини ташкил этиш жараёни ҳам муҳокама марказида бўлди. Ҳайъат йиғилишида кўрилган маса-

лалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Матбуот хизмати.



«Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси 2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан қайта тендер эълон қилади!

Қарор ва ижро

Жорий йилнинг 21 июнида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчилик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида»ги 2018 йил 20 апрелдаги ПФ-5421-сон фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида»ги 461-сон қарори қабул қилинди.

Ноқонуний турар жойларни эътироф этиш: бу иш қандай амалга оширилади?

Эслатиб ўтамиз, мазкур фармонда 2019 йил 1 май санасига қадар Ўзбекистонда жисмоний шахсларнинг ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкалари ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмастан қурилган турар жойларига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик акция ўтказиш белгиланган эди. Акция кўп қаватли уйларга, уларга туташиб кетган ер участкаларида ўзбошимчилик билан қурилган иморатларга, шунингдек, нотураж жойларга нисбатан татбиқ этилмади.

га чиққан ҳолда ўзбошимчилик билан қурилган иморатни ўрганиб, унинг планини шакллантиради, уни ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга Қўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) комиссияси аъзоларига юборади. Комиссияга ҳокимнинг саноати ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуналхўжалик ва коммунал хўжалиги бўйича ўринбосари бошчилик қилади.

спектори – ўзбошимчилик билан қурилган иморат ва у жойлашган ер участкасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинган/риоя қилинмагани тўғрисида.


– иморат шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини бузиб қурилган бўлса, унинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирса.

Яна шунини таъкидлаш жоизки, ўзбошимчилик билан қурилган иморатлар фармон қабул қилингандан кейин эътироф этилмади. Бундан ташқари, бир марталик акциянинг амал қилиш мuddати туғандан кейин ўзбошимчилик билан қурилган иморатларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкинлиги тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормалари ҳам бекор қилинади (ФКнинг 212-моддасига қаранг).

Комиссия аъзолари 5 календарь кун мобайнида иморатни жойга борган ҳолда ўрганиди ва филиалга қуйидаги ҳулосаларни (маълумотномаларини) тақдим этади:

– туман (шаҳар) ер тўзиш ва давлат кадастри бўлими бошлиғи – ўзбошимчилик билан қурилган иморат жойлашган ер участкаси қонун ҳужжатлари мувофиқ турар жой қуриш учун ажратилиши мумкин бўлмаган ер майдонида жойлашгани/жойлашмагани тўғрисида;

Далолатномада ўзбошимчилик билан қурилган иморатни эътироф этиш мумкинлиги кўрсатилган бўлса, шу кунгиде 5 ЭКИХ миқдорда йиғим тўлаш учун ҳисобварақ-фактура шакллантирилади. Мурожаат этувчидан ушбу тўловни 4 иш кунини мобайнида амалга ошириш сўралади. Тўлов мuddатда тўланмаган тақдирда, эътироф этиш ишлари тўхтаб турилади. Бироқ мурожаат этувчига бир марталик акция туғунга қадар йиғимни тўлаб, уларни тиклаш имконияти берилади.



Қайси мамлакат юксак сифатли транспорт инфратузилмасига эга бўлса, ўша юрда тараққиёт, фаровонлик сари дадил қадам ташланади. Бу фикр исботини Ўзбекистонимиз тажрибаси мисолида кўриш мумкин.

Мустақиллик йиллари мобайнида иқтисодиёт жадал раванқ топмоқда, халқаро алоқалар йилдан-йилга кенгайиб борапти. Табиийки, транспорт инфратузилмаси ҳам мамлакатимиз тараққиётининг талабларига мос.

«Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси

2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан қайта тендер эълон қилади!

№ 2018-01 (ретендер)

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2018 йил 10 июль.

Тендер тақлифларини тақдим этиш учун охириг мuddат: эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг.

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари:

1-тип: хўжалик иморатлари ва обод ҳовлилари бўлган икки, уч қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар. 1. Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтилган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов тақлифларини киритишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб бериладиган пул тўлови тендер ташкилотчиларининг – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази тегишли банк ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган қиймати – 172 240 сўм (ЭКИХ).

Table with 5 columns: Уй тип, талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм), қурилиш малакаси ўхшаш ҳажми ва характердаги шартнома (сўм), сўнгги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м², сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м³, сўнгги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м².

Table with 6 columns: Лот №, Худуд, Массив, Уйлар (хонадон) сони, Кўп қаватли 2-3 хонали уйлар, 1 қаватли 2-3 хонали (0,02 га), 2 қаватли 4 хонали уйлар (0,04 га), Тақлифларни топширишнинг охириг мuddати.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! Самарқанд вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компанияси пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича қуйидаги объектлар

Table with 4 columns: №, Объект номи ва жойлашган манзили, Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз, Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан, Қурилиш мuddати.

Объектлар қурилишини молиялаштириш манбаси: республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан. Савдо ташкилотчиси – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Самарқанд вилояти ҳудудий консалтинг маркази.

рига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинди: қонун ҳужжатлари мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортта етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларнинг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинди.

«XAZORA QURUVCHI» масъулияти чекланган жамиятига тегишли MAN TGS 41.400 русумли, давлат рақами 01 689 SDA бўлган автотранспорт воситасига 2018 йил 20 апрелдан 2019 йил 19 апрелгача бериладиган АТ 2218397 рақами лицензия варақаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Сообщение Центрального банка Республики Узбекистан. Центральный банк Республики Узбекистан установил с 10 июля 2018 года следующие курсы иностранных валют к суму для ведения бухгалтерского учета, статистической и иной отчетности по валютным операциям, а также исчисления таможенных и других обязательных платежей *)

4 ИСЛОҲОТ

Тошкент архитектура-қурилиш институтида 16 та таълим йўналиши бўйича жами 475 та, шундан давлат гранти асосида 120 та, (89 та ўзбек, 31 та рус гуруҳлари учун), тўлов контракт асосида 355 та (252 та ўзбек, 103 та рус гуруҳлари учун) ўрин берилиши кўзда тутилган.



Абитуриент – 2018

Бу йилги қабулда қандай янгиликлар бор?

Бугун кўпчилигимизнинг эътиборимиз айна кунларда давом этаётган мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида 2018-2019 ўқув йили учун қабул жараёнига қаратилган десак, хато бўлмайди. Сабаби бу йилги қабул жараёнларидан тортиб, ўтказиладиган имтиҳонлар учун янги тартиб-тамоийлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тасарруфидаги Тошкент архитектура-қурилиш институтида ҳам айна кунларда қабул жараёни қизғин давом этмоқда. Биз қабул жараёнига ва имтиҳонларга оид янгилик ва ўзгаришлар ҳақида маълумот олиш мақсадида Тошкент архитектура-қурилиш институти 2018 – 2019 ўқув йили қабул комиссияси раиси, институт ректори Равшан Ҳақимов билан суҳбатлашдик.



– Мазкур қарор билан Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг бакалавриятга ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом, бакалавриятга тест синовларисиз, касбий (ижодий) имтиҳонлар орқали ўқишга қабул қилиш бўйича таълим йўналишлари рўйхати тасдиқланди. Ушбу рўйхат асосида Тошкент архитектура-қурилиш институтидаги «Дизайн» таълим йўналиши бўйича талабаларга танловда қатнашувчи абитуриентлар тест синовларисиз, ижодий имтиҳон асосида баҳоланади. Ушбу таълим йўналишида ижодий имтиҳонлар «Қаламтасвир», «Рангтасвир» ва «Чизмачилик» фанларидан ўтказилади.

– **Институтидаги мавжуд мутахассисликлар ва таълим йўналишлари бўйича 2018/2019 ўқув йили қабул квотасида бакалаврият ва магистратура учун неча ўрин белгиланган?**

– Аввало шуни яна бир бор эслатиш ўринлики, бу йилги қабул жараёнларини тартибга солиш, олий таълим муассасаларининг бакалавриятга ўқишга қабул қилишда тест синовларини очки ва ошқора ўтказиш ҳамда билим-ли ёшларни ўқишга қабул қилиш мақсадида 2018 йил 3 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларида ўқишга қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган, – дейди Р. Ҳақимов.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги «Республика олий таълим муассасалари бакалавриятга кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3389-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан қабул қилинган ушбу қарорга кўра, тест синовларини ўтказиш муддатлари ўзгарди. Бу йил тест синовлари кундузги, махсус сиртки ва кечки (смена) таълим шакли учун 1 августдан 15 августгача бўлган муддатда кунига икки сменада ўтказилади. Биринчи смена соат 08.00 дан, иккинчи смена соат 15.00 дан бошланади. Тест топшириқлари китобидаги мавжуд ҳар бир фан 30 тадан топшириқни ўз ичига олади. Вазифарларни бажариш учун (жавоблар варақасини тўлдириб билан бирга) 30 та тест топшириғига 1 соат, 60 та тест топшириғига 2 соат, 90 та тест топшириғига 3 соат вақт белгиланади. Абитуриент синовлар ўтказиладиган кун бинога тегишли ҳудудга соат 07.00 (иккинчи смена соат 13.00) гача, бинога соат 07.30 (иккинчи смена соат 13.30) гача фақат абитуриент рухсатномаси ва паспорт билан шахсни идентификациялаш воситалари ҳамда видеофиксация қурилмалари орқали тартибни равишда киритилади. Тест синовлари бошланганидан сўнг абитуриентлар бинога тегишли ҳудудга киритилмайди. Қарорда яна бир муҳим нарса белгиланган бўлиб, яъни теста шпаргалка, телефон, микрокалькулятор ва ҳокзаларни олиб киришга уринган абитуриент ўша заҳоти имтиҳонлардан четлатилади. Авваллари телефон олиб қолганиб, уни номерланган конвертга солиб, абитуриентни ўзи теста кириштиб юборилар эди. Эндиликда олиб киришга уринишнинг ўзиёқ далолатнома тузиб, четлатишга сабаб бўлади.

– **Ўқориди таъкидланган қарорда бакалавриятга тест синовларисиз, касбий (ижодий) имтиҳонлар орқали ўқишга қабул қилиш бўйича таълим йўналишлари рўйхати ҳам тасдиқланган эди. Мазкур рўйхатда Тошкент архитектура-қурилиш институтидаги йўналишлар ҳам борми?**

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июнда қабул қилинган «2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларида қабул қилиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ўқишга қабул қилиш бўйича умумий квота – бакалаврлар учун **69 200 нафар**, магистрлар учун **5 903 нафар**, махсус сиртки бўлимларда бакалаврлар учун **11 765 нафар** этиб белгиланган. Ушбу қарорга кўра, Тошкент архитектура-қурилиш институтида 16 та таълим йўналиши бўйича жами **475 та**, шундан давлат гранти асосида 120 та, (89 та ўзбек, 31 та рус гуруҳлари учун), тўлов контракт асосида 355 та (252 та ўзбек, 103 та рус гуруҳлари учун) ўрин берилиши кўзда тутилган. Бакалавриятга берилган бу йилги квота ўтган ўқув йилидаги (890 та)га нисбатан 415 тага камайган.

Магистратура босқичи бўйича 2018/2019 ўқув йили учун 20 та мутахассислик бўйича жами **146 та**, шундан 28 таси давлат гранти асосида (26 та ўзбек, 2 та рус гуруҳлари учун), 118 таси тўлов контракт асосида (89 та ўзбек, 29 та рус гуруҳлари учун) белгиланган. Магистратура учун ажратилган қабул квота аввалги ўқув йилидаги (92 та)га нисбатан 54 тага кўпайган. Бу мутахассисликларга ҳужжат қабул қилиш 2018 йил 1 июлдан 30 июлга қадар давом этади.

Институтида сиртки, махсус сиртки ва кечки таълим бўлими ҳозирча мавжуд эмас.

– **Бу йилги имтиҳонларда ногиронлиги бўлган шахсларга қандай имтиёзлар кўзда тутилган?**

– Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йил 2 июнда тасдиқланган «Олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча давлат гранти квоталари асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ 2018/2019 ўқув йилидан ногиронлиги бўлган шахслар учун олий таълим муассасаларида давлат гранти асосида икки фоизлик (абитуриентлар жами сонидан) қўшимча қабул квотаси жорий этилади.

Олий таълим муассасаларида умумий ўрта таълим (11-синф негизида) ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси (академик лицей, касб-ҳунар коллежи)ни тугатганлик ҳақидаги ҳужжат ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар қўшимча квота бўйича қабул қилинади.

Олий таълим муассасаларида ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча квота асосида ўқишга қабул қилиш кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон) натижаларига мувофиқ амалга оширилади. Ногиронлиги бўлган шахслар учун ажратилган қўшимча квоталар асосида қабул қилинмаган абитуриентлар тўплаган баллари билан мазкур таълим йўналишида умумий тартибда танловда иштирок этишади.

Ногиронлиги бўлган шахслар томонидан кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон) олий таълим муассасаларининг бакалавриятга қабул қилиш бўйича белгиланган тартибларга мувофиқ топширилади.

Кириш имтиҳонларида тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 30 фоизидан кам бўлмаган бал тўплаган ногирон шахслар баллар кетма-кетиликка қатъий риюа этилган ҳолда, қўшимча икки фоизли давлат гранти квоталари доирасида талабаларга тавсия этилади.

Тошкент архитектура-қурилиш институтида таълим йўналишлари бўйича ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча давлат гранти квоталари асосида жами 9 та ўрин ажратилган.

– **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қурулди Кучлари Ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарориди Ҳарбий хизматчилар фарзандларининг олий таълим муассасаларида ўқишга киришларида бир қатор имтиёзлар берилиши кўзда тутилган эди.**

– Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорига мувофиқ Ҳарбий хизматни ўташда ҳалок бўлган, шунингдек, Ҳарбий хизматни ўташда ярадор бўлган, контузига, шикаст олиш натижасида ногирон ёки касалликларга дучор бўлган Ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларининг бакалаврият босқичига давлат гранти асосида танловсиз қабул қилинади. Шунингдек, ушбу қарорга мувофиқ 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Қурулди Кучлар таркибига кирувчи вазирилик ва идораларнинг хизматдаги офицерлари, шартнома бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва оқддий аскарлар таркиби фарзандлари учун республика олий таълим муассасаларида умумий белгиланган қабул қўрсаткичлари квотасидан ташқари, ҳарбий олий таълим муассасаларида 5 фоиз курсантларнинг умумий қабул сонидан 5 фоизли давлат гранти асосида қабул квотаси ажратилади.

Квота асосида кириш ҳамда давлат гранти

асосида таълим олиш ҳуқуқига тегишли вазирилик ва идораларнинг тавсияномаларига эга Ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари эга бўлади.

Тавсияномалар Ҳарбий хизматчиларнинг бевосита бошлиқлари (командирлари) илтимосномасига асосан тегишли вазирилик томонидан берилди. 5 фоизли квота чегарасида Ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини қабул қилиш танлов асосида амалга оширилади.

– **Институтида ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида абитуриентлар ва уларга ҳамроҳлик қилувчилар учун қандай қулайлик ва шароитлар яратилган?**

– Институти қабул комиссияси фаолият кўрсатаётган ҳудудда абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари учун ҳужжат топшириш жараёнида соғлом муҳит, етарли услубий, тиббий, маънавий ва маданий шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, тез тиббий ёрдам хоналари, овқатланиш ва ҳордиқ чиқариш жойлари, салқин ичимликлар ва озик-овқат маҳсулотлари ҳамда ўқув қуроллари сотиладиган дўконлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, қабул комиссиясида фаолият кўрсатаётган мутахассисларимиз ҳужжатларнинг тўлиқлигини ўрганиш, аризалар тўлдириб ва бошқа жараёнларда абитуриентларга кўмак берадилар. Қабул комиссияси фаолият кўрсатаётган ҳудудда видеокузатув йўлга қўйилган. Институти ҳудудида таълим йўналишлари, таълим шакли ва тили бўйича қабул квоталари, тест ўтказиладиган фанлар рўйхати ҳамда ихтисосликлар бўйича ижодий имтиҳон топшириладиган таълим йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар эълонлар тахтасига жойлаштирилган. Шунингдек, абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини қизиқтирган саволларга жавоб бериш учун махсус «Call centre» ташкил этилган.

Умуман, ҳужжат топшириш учун келган абитуриентлар институти ҳудудида киришдан бошлаб ҳужжат топшириб чиқиб кетгуларига қадар бирор қийинчиликка учрамайдилар. Бунинг учун таълим муассасамиз томонидан барча тайёргарликлар қўрилган. Бу ҳаракатлар замирида давлатимиз раҳбари томонидан адолат ва шаффофликни таъминлаш юзасидан берган топшириқлари ижросини таъминлаш, янги ўқув йилида талабаларимиз сафини чинакам



билим ва шижоатга тўла ёшлар билан бойитиш каби мақсадлар мужассам. Мамлакатимиз архитектура ва қурилиш соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшувчи юксак билимли ёш кадрлар тайёрлаш йўлида зиммамиздаги вазифарларни аъло даражада бажаришга бор билим ва тажрибамиз билан ҳаракат қиламиз.

«O'zbekiston bunyodkori» мухбири Абдумуталлиб УҚТАМОВ суҳбатлашди.

Тадбиркорга айланган дурадгор

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Қашқадарё вилояти Яққабғ туманидаги «Жонибек» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Аслидин Эргашев ҳам ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиб келаётган тадбиркорлардан. Илгари уни тумандагилар тажрибали дурадгор ушб сифатида яхши таниган бўлса, бугун мебель ишлаб чиқарувчи йирик тадбиркор, деб билишади. Рост, «Жонибек» корхонасида ишлаб чиқарилаётган мебеллар юқори сифати ва нархи нисбатан арзонлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.



– Дурадгорлик бизга ота мерос, – дейди А. Эргашев ўзА мухбири У. Баротова. – Шу боис ҳали болалигимдаёқ ёғочдан эшик-ром, стол-стул, хонтахта каби буюмларни ясашни билардим. Корхонамизни 2000 йилда ташкил қилганмиз. Фаолиятимизни энди бошлаган кезларимизда қўл меҳнатидан кўпроқ фойдаланар эдик. Кейинчалик ишлаб чиқаришни модернизация қилиб, хориждан замонавий технологиялар келтирдик. Бу ишимиз самардорлигини оширдик. Ҳозир корхонамизда 50 дан ортққ турда мебель жиҳозлари ясалмоқда. Асосан корхона-ташкilotлар билан шартнома асосида ишламоқдамиз. Бундан ташқари, маҳсулотларимиз ички бозорда ҳам харидордир.

Олти киши меҳнат қилаётган корхонада мижозлар талабидан келиб чиқиб, маҳсулотнинг сифатли тайёрланишига алоҳида эътибор қаратилади. Шунинг учун ҳам бу ерда ишлаб чиқарилаётган уй, ошхона ва офис мебелларига талаб юқори.



Спорт

Адҳамжон Эргашев Жаҳон чемпиони!



Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида оғир атлетика бўйича ёшлар ўртасидаги Жаҳон чемпионати беллашувлари давом этмоқда.

Ўтган икки кун мобайнида уч нафар спортчимиз ўз омадини синовдан ўтказди: «Б» гуруҳида иштирок этган Мўхаммадали Қаҳрамонов ўз гуруҳида пешқадам бўлган эсада, бу кўрсаткич ёғлиб ва совриндор бўлишга етмади. Эндигина бу оғир спортнинг ҳадисини олаётган Зўҳра Отажоновна ўз имкониятлари даражасида қатнашди.

Яна бир таниқли атлетимиз Адҳамжон Эргашев «А» гуруҳида етакчи эрталар сафида (62 килограмм) рўйхатга олинган. Адҳамжон ўз чиқишларида ёғлиликка асосий даъвадор эканлигини исбот этди. У даст кўтаришда 135 килограмм, мизлаб кўтаришда 160 килограмм, иккикураш бўйича 295 килограмм натижа қайд этиб, учта олтин медални қўлга киритди. Кейинги ҳарбий Германия ҳамда Эквадор вакилларига насиб этди.

Мусобақалар давом этмоқда. Суратда: мусобақадан лавҳалар. Мўхаммад АМИН (ўзА) олган суратлар.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Муассис: «ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ»
Наشريёт уйи МЧЖ

Бош директор – Дилшод Жалолов

Тахрир хайъати:
Ботир Закиров (Тахрир хайъати раиси), Шўҳратходжа Хашимов, Қозим Тўлганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Мағрупов, Бўрибой Бекмурзаев, Ғолибжон Маджидов, Қўдратбек Хошимбеков, Обиджон Носиров.

Тахририят:
Бош муҳаррир
Бош муҳаррир ўринбосари
Саҳифаловчи
Мухассиҳ

Дилшод Жалолов
Абдумуталлиб Уқтамов
Усмон Муродов
Дилфуза Хабибова

Тахририят ҳамкорлари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ «УзГАСҲЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Ўзгеораг-метЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, қурилиш-лойиҳалаш институтилари

Тахририят мөнзил:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-ўй.
Телефонлар: (қўлабқона) 244-21-71, (котибхона) 244-05-15 (факс), 244-15-13, (бухгалтерия) 244-22-10, (реклама ва оубна бўлими) 244-21-71, 244-40-68 (факс).
E-mail: uzbunyoqkor@mail.ru

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:

Андижон, Наманган ва Фарғона бўйича: (90) 278-95-87.
Қашқадарё бўйича: (90) 720-33-03.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм бўйича: (93) 466-74-84.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбўют ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Ёурутма – Г-707.
2270 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳанжи – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва мўчалифга қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона мөнзил:
Тошкент шаҳри, «Буюк Тўрон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – А. Уқтамов
Навбатчи – Э. Халипов
ЎзА ақуни – 22.15. Топшириқди – 00.35.